

---

## Фуқаро фойдасига иш ҳақи ундириш

Аниқланишича, фуқаролик ишлари бўйича Ўзбекистон туманлараро судининг 08.10.2021 йил кунидаги №2-1503-2101/3549-сонли ижро ҳужжатига асосан қарздор Бешариқ тумани Молия бўлимидан ундирувчи О.Мелибоев фойдасига 62.083.957 сўм иш ҳақи ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати Бюронинг Бешариқ туман бўлимига 11.11.2021 йилда келиб тушган ҳамда шу куни ижрога қаратилган.

Қарздор Бешариқ тумани Молия бўлими ижро ҳужжати билан таништирилиб, суд қарори ижросини таъминлаш учун 15 кунлик ихтиёрий муддат берилган.

Шунингдек ижро ҳаракатлари давомида Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунинг 48<sup>7</sup>-моддаси тартибида давлат ижрочиси “ундирувни қарздорнинг ҳисоб рақамларидаги пул маблағларига қаратиш тўғрисида” қарор қабул қилиниб, ижросини таъминлашлик учун Бешариқ тумани Молия бўлими ва Бешариқ тумани бўйича Ҳазначилик бўлинмасига 28.03.2022 йил куни юборилган.

Мазкур қарорга кўра, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 128,129-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 13.05.2014 йилдаги 120-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 12,14-бандларига мувофиқ ижро ҳужжати бўйича ундирилиши лозим бўлган қарз суммаси бўлимнинг депозит ҳисоб рақамига ўтказиш мажбурияти Бешариқ туман бўйича Ҳазначилик бўлинмасига юкланган.

Бешариқ тумани бўйича Ҳазначилик бўлинмаси томонидан қарздор Бешариқ тумани Молия бўлимининг бюджетдан ажратилган маблағларининг тегишли харажат моддасига ҳамда барча бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари чиқиш қисмига 29.03.2022 йилда вақтинча банд солинган.

Бешариқ туман Молия бўлимининг 07.04.2022 йилдаги алоқа хатига кўра ундирилиши лозим бўлган қарз суммаси бюджет маблағлари Молия бошқармаси орқали республика бюджетидан ажратилиши маълум қилинган.

20.05.2022 йил куни Бюронинг Бешариқ туман бўлими томонидан олиб борилган мажбурий ижро ҳаракатлари давомида қарздор **Бешариқ тумани Молия бўлимига** тегишли давлат рақами 40226FBA NEXIA DONC русумли автотранспорт воситаси Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунинг 44,46 моддаларига асосан хатлаб, жамрима майдончасига олиб кирилган.

Ижро ҳаракатлари давомида қарздор томонидан 03.06.2022 йилда 62 083 957 сўм тўлиқ тўлаб берилиб, ижро ҳужжати ижроси амалда бажарилган

2022-06-22 14:19:07